

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

180 (1700) | 10 сентябрь, 1960 йил, шанба | Баҳоси 20 тийин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва
Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Бўшаган ер пешма-пеш шудгор қилинсин

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика колхоз ва совхозларида кузги шудгорлашни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиди. Қарорда барвақт шудгор қилинган ерларда ҳосилнинг мўл бўлиши қайд қилинади. Кузда шудгор қилинган майдонларда экин олдиндан тушқини яхшилаб юмшатиш мумкин бўлади, ер кузда шудгор қилиб қўйилса, экинни қисқа вақт ичида, энг яхши агротехника муносабатларида ўтказиш, чигитни тушқиннинг ўз намига бир текис ундириб олиш имконияти туғилади.

Бироқ, дейилади қарорда, кўпгина районлар, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари кузги шудгорлашнинг аҳамиятига етарли баҳо бермаётганлар ва шудгорлашни ўз вақтида сифатли ўтказиш чораларини кўрмаётганлар.

Республикада 31 августга ҳайдов тракторларининг атиги 62 проценти, Хоразм областида эса 53 проценти, Қорақалпоғистон АССРда 55 проценти, Андижон областида 52 проценти тахт қилинди. Плуг, борола, гўзапоя юлаган машиналар ва бошқа техникаларнинг ремонт қилиш ҳам жуда сўт бормоқда.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети бу йил кузда ернинг барвақт музлабқалини таъкидлаб, партия, совет ва кишлқ хўжалик ораданларини ҳамда колхоз ва совхозларнинг раҳбарларини трактор паркинни ўз вақтида тахт қилиб қўйишга, келгуси йил баҳорда экин екиладиган барча майдонларни шудгорлаб қўйиш мақсадида пахта йигимтеринини ер ҳайдаш билан бозлаб олиб боришга чақирди.

Шудгорлашни пайсалга солиш ҳосилга катта зарар етказишини қайд қилиб, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети куз-қиш пайтларида ернинг ҳайдаб қўйилиши таъминланмастган жойлардаги маҳаллий партия, совет ва кишлқ хўжалик ораданларининг, колхоз ва совхоз раҳбарларининг нотўғри ҳаракатини қоралади.

1961 йил мўл ҳосили учун ерларни шудгорлаш пани тасдиқланди. Бу планга мувофиқ 1 миллион 706 минг гектар ер, шу жумладан Тошкент областида 294,7 минг гектар, Фарғона областида 256,3 минг гектар, Андижон областида 271,8 гектар, Самарқанд областида 302,4, Бухоро областида 145,7, Сурхондарё облас-

тида 214,2, Хоразм областида 88,2 ва Қорақалпоғистон АССР да 132,7 минг гектар ер шудгор қилиниши керак. Шунингдек экинлардан бўшаб қолган ерларни 1 октябргача ҳайдаш тўғрисида тошпириқ берилади.

Область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига кузги шудгорлаш пани ва тошпириқларини 10 кун ичида ҳар бир районга, колхоз ва совхозга етказиш ҳамда бу план ва тошпириқларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш тошпириқди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Сув хўжалиги министрлиги ва Қишлоқ хўжалик министрлиги зиммасига, республика халқ хўжалик кенгаши, область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши бўлган бошқарма ва муассасаларнинг раҳбарлари зиммасига партов ерларини ҳайдашни тезроқ тугаллаш, сабазот, полза, картошка, маккажўхори ва бошқа экинлардан бўшаган, ҳосили ҳозир йиғиштириб олинган ерларни шудгорлашни бошлаб бориш вазифаси юклатилди.

Қишлоқ хўжалик министрлиги, область ва район партия ҳамда совет таъкидотлари, колхоз, совхоз ва РТС ларнинг раҳбарларига ҳайдов тракторлари, плуг, борола, гўзапоя юлаган, ер текислайдиган ва бошқа қишлоқ хўжалик асбобларини ремонт қилишни қатъий яхшилаш ва шу йўл билан барча техникани 15 октябрдан кечиктирмай тахт қилиб қўйиш тошпириқди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қуйидагиларни тасвия этди:

ҳар бир РТС, совхоз ва колхоз бўйича техникани ремонт қилишни тугаллаш графигини белгилаш, ремонтга етарли миқдорда ишчи ва механикаторларни жалб этиш, уларнинг меҳнатини тўғри тарқатиш қилиш, ҳар бир ходимнинг ремонт графигининг ўз вақтида бажарилиши учун масъулиятини ошириш, зарур топилган тақдирда устоналарини икки сменали ишга кўчириш;

ремонт сифати устидан назоратни кучайтириш, ремонт қилинган ҳар трактор ва машинанинг комиссия томонидан диққат билан текшириб

қабул қилиб олиншини таъминлаш;

ремонт ишлари ва техникани тайёрлаш билан банд бўлган ишчилар ва механикаторларни, шунингдек ремонт ишларини моддий-техник таъминлаш билан шугулланувчи ходимларни бошқа ишларга олишни таъкидлаб қўйиш.

«Ўзгавторгмаш» зиммасига РТС лар, совхоз ва колхозларни тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарининг запас қисмлари ва ремонт материаллари билан таъминлаш вазифаси юклатилди.

Бу йил кузги шудгорлашни жуда қисқа муддатда ўтказиш зарурлигини ҳисобга олиб, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига пахта ҳосили йиғиб-териб олинган майдонларни пешма-пеш гўзапоядан тозалаш ва шудгорлаш бунинг учун керакли миқдорда механизмлар ва ишчи кучи ажратиш тасвия қилинди.

Колхоз ва совхозларга гўнг тўплаш, барча гўнг ва бошқа маҳаллий ўғит запасларини далага ташиб чиқариш ташкил этиш, ҳар гектар ерга шудгорлаш олдиндан камиди 8 тоннадан гўнг солинишини таъминлаш таъкид қилинди. Шунингдек, хўжаликларнинг раҳбарларига «Ўзгавторгмаш» оморларидан суперфосфатни ташиб олишни кучайтириш, ҳар бир бўғим ва бригадани бу ўғитлар билан таъминлаш ва ўғитнинг ҳайдаш олдиндан ерга солинишини кузатиб бориш тасвия этилди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳар бир ишни сифатли бажариш учун курашни зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Кузги шудгорлаш ҳамма жойда плугларга чимқирқар ўрнатилган ҳолда зарур чуқурликда загон усулида олиб борилади. Мутахассисларнинг вазифаси — ер ҳайдашнинг сифати устидан мунтазам назорат қилиб туриш ва тошпириқ сифатли бажарилмаган тақдирда, бу уастаканинг айбдор ҳисобига қайта ҳайдалишини таъминлашдан иборат.

Тупроқни чуқур юмшатиш учун мавжуд барча техникадан фойдаланиш керак. Тупроқни чуқур юмшатиш ҳар бир техника билан мавсумда камиди 40—50 гектар ер ишланиши лозим. Агардай ҳайдайдиган плуг билан ер 50—60 сантиметр чуқурликда юмшатилиши зарур.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

ТУРСУНОЙЧИ МЕХАНИК-ХАЙДОВЧИЛАР



Суратда: танаффус вақтида донгдор механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова механик-ҳайдовчилар ва кўп миңгиларга тарбиячиларнинг область слети қатнашчиларига ўз тажрибалари ҳақида гапириб бормоқда. Слет ҳақидаги материални газетамизнинг иккинчи бетига ўқийсиз. М. Комлев фотоси.

Сиз илҳомбахш намуна кўрсатдингиз!

Орёл области Ново-Деревеньковский району
„Паньковский“ совхози

А. Ф. КОМИССАРОВАГА

Азиз Александра Федотовна! Партия Марказий Комитетига юборган хатингиз учун чин қўнғилдан ташаккур билдираман. Бу хат катта хурсандлик келтирди. Партиямиз коммунизмнинг муносиб қурувчилари бўлган Сиз наби миңг-миңлаб анойиб ватанпарварларини тарбиялаб етиштирганлигини англаш бизни хурсанд қилмоқда.

Сиз чўчка боқувчи бўлиб ишлаб саниқз ой ичида умумий вазни 1088 центнерга тенг 1236 бош чўчкани боқиб семиртириб, давлатга тошпиридингиз ва йил охиригача 1836 бош чўчкани боқиб семиртириб, давлатга 1588 центнер чўчка гўшти тошпиришга сўз бердингиз.

Олинган мажбуриятларини бажариш ҳар бир совет кишиси учун улуг шарафдир. Сиз қишлоқ хўжалигининг кўп ходимлари учун илҳомбахш намуна кўрсатдингиз. Қишлоғимиздаги меҳнатнашлар

нинг ҳаммаси Сиз каби партиямиз қарорларининг аҳамиятини чуқур тушуниб, шу қарорларни амалга оширмоқ учун фидокорона меҳнат қилсалар у ҳолда гўшт етиштириш соҳасида етти йиллик тошпириқ ошириб бажарилди.

Сиз кўрсатган намуна Орёл областида ва мамлакатнинг бошқа районларида гўшт етиштиришни кўпайтирмоқ учун нақадар катта резервлар борлигидан далолат беради.

Сизга меҳнатда ва шахсий ҳаётингизда янги катта муваффақиятлар тилсаям. Партия Марказий Комитети Сизга эрганиб сиз наби чорвачиликнинг моҳири усталари бўлиб еттиладиган миңлаб кишилар тошпиришга аминдир.

Партия Марказий Комитети номидан совхозингиздаги ҳамма ишчилар ва мутахассисларни қизғин таъриқлайман.

Н. ХРУЩЕВ.
1960 йил 8 сентябрь.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси
Марказий Комитетига

Ўртоқ Никита Сергеевич
ХРУЩЕВГА

Азиз Никита Сергеевич! Сизга ҳамда Сиз орқали жонан Коммунистик партиямизнинг Марказий Комитетига ва Совет ҳукуматида шунинг маълум қиламанки, мен чўчкаларини боқиб семиртириш тўғрисида олган йиллик мажбуриятларини 23 августда бажардим. Йил бошидан бери давлатга 1236 бош чўчка ёки 1088 центнер гўшт тошпиридим.

Сиз, Никита Сергеевич, Москва да декабрь Пленумида чўчка боқувчи Ярослав Семёнович Чикнинг номини тилга олиб, бу анойиб меҳнатқашнинг шонли ишларини таъриб берганингизда мен бундай катта ишларни наҳотки айрим кишиларгина қилиши мумкин, деб ўйлаб қолган эдим. Ярослав Чик эришган натижаларга наҳотки Орёл области шароитида эришиб бўлмаса? деган эдим. Шунинг учун ҳам мен ундан ўрнак олиб ишлашга жазм қилиб қўйдим. Чўчкаларни охирига ботлаб қўймай катта гўда қилиб боқиб семиртириш усулини қўллаиб, бир йил ичида камиди миңг бош чўчкани боқиб семиртиришга сўз бердим. Лекин ишнинг ўзи бу усул билан ишлаганда нақадар чекланмаган имкониятлар борлигини менга кўрсатиб берди. Шунинг учун ҳам менда янги фикр туғилди: 1200 бош чўчкани боқиб семиртиришга ва жонанон давлатимизга камиди миңг центнер чўчка гўшти тошпиришга жазм қилдим. Ўз мажбуриятини муддатидан олдин бажардим.

Мамлакатга гўштини арзон қилиб етказиб бериш керак деб партиямизнинг ва шахсан сизнинг берган кўрсатмаларинингизни яхши эсда тутиб, ҳар бир центнер чўчка гўштининг таннаҳини қамайтирмоқ учун ҳамма чораларни кўрдим. Мен боққан чўчкаларнинг ҳар бир центнер семирishi 524

сўмга ёки ўтган йилдагига нисбатан икки баравар арзонга тушди. Лекин чўчкаларини семиртириш учун бунчалик пул сарфланмаганди ҳам ҳали ҳийла юқори экинлигини тушунаман. Шу сабабли мен гўштининг таннаҳини тагин ҳам кўпроқ пайсатирмоқ учун бутун кучимни сарфлайман.

Коммунистик меҳнат коллективлари ва зарбдорлари номини олиш учун бўлаётган мусобақа илгирларининг Бутуниттifoқи кенгашида қатнашганимда Сиз, Азиз Никита Сергеевич, сўзлаган нуқтаингиз қалбимдан чуқур жой олди. Ўша вақтдаёқ мен тагин ҳам яхшироқ ишлашга жазм қилиб қўйган эдим. Улуг Октябрнинг 43 йиллигини мўносиб кутиб олшга таъриқлаиб, ҳозир партия Марказий Комитетига, жонанон ҳукуматимизга ва шахсан сиз Никита Сергеевичга гаъда бериб шунинг айтмагани, йил охиригача яна 600 та чўчкани семиртириб бераман ва давлатга яна камиди 500 центнер гўшт тошпираман. Ётти йиллигининг иккинчи йилида ҳаммаси бўлиб 1836 бош чўчкани семиртириб бераман ва давлатга 1588 центнер чўчка гўшти тошпираман.

Умумхалқ вазифасини тезроқ бажаришга — аҳоли жон бошига чорвачилик маҳсулотларини етиштириш жиҳатидан АҚШга етиб олишга ва ундан ўзиб кетишга ўз меҳнатим билан қўмақлашмоқ учун бутун кучимни сарфлайман.

Сиз Азиз Никита Сергеевичга сийҳат-саломатлик ҳамда мамлакатимиз халқларининг ва бутун дунё меҳнатнашларининг бахт-саодати йўлида қилаётган олий ҳиммат меҳнатингизда муваффақиятлар тилсаям.

А. КОМИССАРОВА
Орёл области,
Ново-Деревеньковский району,
„Паньковский“ совхози.

ОҚҚЎРҒОНДА ПАХТА ҚИЗИЛ КАРВОНИ



Ўтган лайшанба кун Оққўрғон району марказий кўчаси гажум бўлди. Кузовига гача тўлдириб «оқ олтин» ортлган машиналар — пахта қизил карвонлари турнақатор бўлиб пунктга томон йўл олди. Оққўрғонлик пахтакорлар ёз бўйи тер қўлиб етиштирилган мўл ҳосилларининг дастлабки топилаларини давлатга тошпиришнинг гоёт ушшоқлиқ билан ўтказди.

«Оққўрғон» совхозини ҳамда «Ленинобод», Ленин номи, «Озод» сингари колхозларнинг пахтаси ортлган машиналар пунктга биринчилар қаторида келди. Шу кунни район бўйича давлатга 120 тонна пахта тошпирилди.

Мўл ҳосил етиштириб уни йиғиб-териб олишга ушшоқлиқ билан киришган район пахтакорлари суръатини тобора кучайтирабориб социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун ҳамма зарур тадбирларин амалга оширмоқдалар.

А. МОИСЕЕВ.



АЙТИЛГАН СЎЗ—ОТИЛГАН ҲАМ

Бизнинг коллектив мамлакатнинг энг илгор корхоналари бошлаган ташаббусга қўшилиб, шаҳарда биринчи бўлиб коммунистик меҳнат қорхонаси номини олиш учун кураш бошлади. Шу билан бирга комбинат коллективи Ўзбекистонда қурилаётган ва ишлаб турган кимё корхоналари коллективларини ҳам шу олижаноб ватанпарварлик ҳаракатига қўшилишга чақирди, шахримиз меҳнатқашларини эса социалистик Чирчиқни коммунистик шаҳарга айлантириш учун кураш бошлашга даъват этди. Коллективимизнинг бу чақириғи ва мурожаати ҳамма жойда мамнуният билан қўллаб-қувватланмоқда.

Коммунистик меҳнат қорхонаси

номини олишнинг ўзи бўлмади. Бунинг учун ишлаб чиқариш даражаси ва маданияти, меҳнат муносабат коммунистик жамият талабларига жавоб берадиган даражада бўлиши, шу қорхона иши ва хизматчиларининг ҳаммаси билимли, маданиятли, коммунистик ахлоққа бўлиши зарур. Биз бу вазифага гўя кўп куч ва гайрат сарфлашни талаб этишимиз яхши тушунган ҳолда бутун республика меҳнатқашлари олдига тантанали ваъда бердик.

Комбинат партия, комсомол ва касабасоюз ташкилотлари бутун коллективни олиган юксак мажбуриятни бажаришга сафарбар этмоқдалар. Коммунист ва комсомолларнинг активлиги, авангардлиги ҳар қачонгидан ҳам ошириб юборилди. Оммавий-сиёсий агитация воситаларининг жами, барча ишчи ва хизматчиларини коммунистчасига ишлаш, яшаш ва ўқийшга даъват этишга қаратилган. Оммавий кўтарилиш сиёсий агитациянинг янги-янги таъсири формаларини вужудга келтирмоқда. Масалан, комбинат кўп тиражли газетаси «Азотик»нинг шу йил 17 август сонидан «Коммунистик анкета» эълон қилинди. Ҳар бир кимёгарнинг қалбига таъсир қилдиган, унинг гайратини қўзғатадиган кичкинагина муқаддимадан сўнг анкетани бундай дейилади: «Коллективимиз яқинда коммунистик меҳнат қорхонаси номини олиш учун мусобақа бошлади... Бу йилда қандай ютуқларни қўлга киритдик? Коммунистик муносабатларни янада мустаҳкамламоқ ва ривожлантирмоқ учун, сизнингча, қониргич нима қилиш керак?.. Атрофимизга раҳм солиш ва ўйлаб, бизга ёниб: ҳаётимизда қандай янгиликларни қўзғатсиз ва нималарни, қандай янгиликларни қўзғатсиз?..» Шу мурожаатдан кейин анкетани 9 та савол бор. Бу саволларнинг ҳар бирини газетхоналарнинг эътибори коллектив ҳаётига тааллуқли энг муҳим масалаларга жалб этилган.

Бу анкета дарҳол ҳаммани қизиқтирди. Редакция ишчилардан, инженер-техник хизматчилардан, ҳатто кимёгарларнинг оилалари ва болаларидан ҳам қўллаб-хат-хабар олаётди. Газетхоналар тўларган кўп анкетани амалий аҳамиятга эга бўлган тақдирда бу мурожаатлар ёзилган. Комбинат партия, комсомол ва касабасоюз комитетлари мажбурият билан биргаликда бу тақдирларни синчиклаб ўрганишмоқда. Улардан маълумларини жамоатчилик кучи билан амалга ошириш чоралари қўйилган.

Биз шахримизда биринчи бўлиб янги ташаббус бошлаган эканмиз, бундан бундан биринчилигини қўлдан бермасликка ҳаракат қиламиз, коллективимиз шон-шўҳратини янада оширамиз. Айтган сўзимиз—отилган ўқ.

Сайд АХМЕДОВ, Электромеханика комбинати партия комитетининг секретари.

ЧЕТДА ҚОЛМАЙМИЗ



Ўртоқ А. КИРОВА.

Кимёгарларимиз ажойиб ташаббус билан чиқинди. Улар шахримиздаги бошқа сановат қорхоналари коллективларини ўларидан ўрнак олишга чақирдилар.

Биз ҳам уларнинг чақириғини жондан қабул қилдик. Ишчи-реzerw ва имкониятларимизни қайта кўриб, зимманимизга оширилган социалистик мажбурият олдик. Йиллик топшириқни 20 декабрда бажариш ва пландагидан ташқари қишлоқ хўжалик машиналари учун 5 миллион сўмлик запас қисмлар тайёрлаб беришга аҳд қилдик.

Коммунистик меҳнат қорхонаси номини олиш учун кураш бошлаган коллективимиз пахтани қоп-қаторсиз ташишни механизациялашга ёрдам бериш мақсадида 6Т10 маркали 20 метрли транспортёр тайёрлашни ўзлаштириш ва КС-4В маркали ўзлаштирадиган машинани механизациялашнинг ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйди.

Шунингдек, мажбуриятимизда ҳар уч ишчининг бири ўқувчи бўлишига эришиш, меҳнат интизоми бузилишининг ҳар қандай кўринишларига қарши кескин кураш олиб бориш алоҳида кўрсатилган.

Бизнинг бригада аъзолари ҳам юксак номга лойиқ бўлиш учун тизимли ҳаракат қилишяпти. Планини ошириб бажармаган кунимиз йўқ. Шунингдек, ҳаммамиз ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда билим-мезини оширмоқдамиз.

КЕЛАЖАК АВТОМАТНИКИ

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари биз, машинасозлар олдига техника тараққиётини янада жадаллаштиришдек шарафли вазифани қўйди. Заводимиз кимё санояти учун турли хил асбоб ускуналар етказиб беради. Ишчимизнинг кўпчилигини пайвандлаш ташкил қилади. Шунинг учун



Ўртоқ Б. АЛЕКСАНДРОВ.

ҳам коллективимизнинг барча аъзоси бир ёқадан бош чиқариб, ана шу кўп меҳнат талаб қилдиган ишни автоматлаштиришга киришди.

Заводимиз коллектив коммунисик меҳнат қорхонаси номини олиш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Техника тараққиётига зўр бермоқда.

Биз зимманимизга олган мажбуриятда техникага коммунистик муносабатда бўлиш, асбоб-ускуналарнинг доимо унумли ишлашини таъминлаш ҳар бир машинасознинг шарафли бурчи деб қайд қилиб ўтдик. Шундан сўнг рационализаторлик ва изобретчилик ҳаракати кенг қўл очилди. Ҳозир у оммавий тўс олган. Ижодкорларимиз ўтган 8 ой мобайнида 150 га яқин тақлиф билан чиқдилар.

Лексин ҳали техника тараққиётини янада жадаллаштириш учун кўп тер тўқинимиз лозим. Юксак номни қозониш учун энг шимарган коллективимиз ишлаб чиқариш экономикасини чуқур ўрганиш, ўз техника билимларини ошириш, илгор тажрибаларини кенг омаллаштиришга қарор қилди.

Борис АЛЕКСАНДРОВ, «Ўзбекхиммаш» заводи техника кенгашининг раиси.

Етти йиллик бошидан бери шаҳарда 10 дан ортиқ янги квартал қад кўтарди. Суратда: шаҳарнинг шимолӣ қисми.

УДДАЛАЙ ОЛАМИЗ

Яқинда Чирчиқ меҳнатқашларининг умумшаҳар митинги бўлиб, унда социалистик Чирчиқни коммунистик меҳнат ва юксак маданият шаҳрига айлантириш учун кураш бошлашга қарор қилинди. Митинг қатнашчилари шаҳар меҳнатқашлари номидан республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари меҳнатқашларига қарата мурожаат қилди. Мурожаатда коммунистик меҳнат бригадалари, сменалари ва қорхоналари номи учунгина эмас, балки шу билан бирга коммунистик меҳнат ва юксак маданият шаҳри, қишлоғи номини олиш учун ҳам умумхалқ мусобақасини қизитиб юборишга даъват этилди.

Шаҳримиз меҳнатқашларининг илгор кишилари—минглаб новатор ишчи ва мастерлар, инженер ва техниклар, ўқитувчилар ва маданият ходимлари шу юксак номга яраша меҳнат қилиш мақсадида энг шимариб ишга киришдилар. Бунинг шу кунларда шахримизда бўлган киши дарҳол сезади. Завод, фабрика ва қурилиш майдонлари, институт, техникум ва мактабларга, кўча, парк ва хайбоналарга—хуллас, ҳамма жойга бошқача руҳ, бошқача файз кирган. Гўё кишиларимиз ҳам янги ҳаракат бошланмасдан олдинги даврданга нисбатан заковатли, маданиятлорқ бўлиб қолгандек, ҳамма руҳан ва маънан ўзгандек.

Бу, атиги кейинги 10—15 кун ичида бўлган сезиларли ўзгаришлар. Ҳали яна қанчадан-қанча қувончли ўзгаришлар бўлади! Шаҳримизнинг қиёфаси, қорхона ва муассасаларимизнинг иши ҳозир ҳам чакки эмас. Бироқ етти йилликнинг улғувор прогностик мамлакатимизда, жумладан шахримизда коммунистик қурилишнинг кенг авж олдиришга Чирчиқ меҳнатқашларини яна ва яна олға ундаётди, халқ бахти-саодати йўлида кўпроқ куч ва гайрат сарфлаб ишлашга қанотлантираётди. Шу эъзу истак ва юксак тушунча шахримиз меҳнатқашларини коммунизм учун курашнинг янги босқичига кўтарди. Бу босқичда улар ўз сеvimли шаҳарларини экономикаси ва маданиятини мисли қурилмаган даражада тез суръатлар билан ривожлантиришга қатъий аҳд қилдилар. Улар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, сановат маҳсулот ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигини ошириш даражаси бўйича етти йиллик планини 1963 йили, яъни муддатидан икки йил олдин бажариш мажбуриятини олдилар. Бу—мажбуриятимизнинг энг асосий моддасидир.

Сановат қорхоналаримизда олиб бориладиган ташкилий-техникавий ва оммавий-сиёсий ишларнинг ҳаммаси ана шу вазифани сўзсиз бажаришга қаратилгандир.

Коммунистик меҳнат шаҳри шинам, гўзал ва озода бўлиши керак. Демак, Чирчиқни янада ободонлаштириш зарур. Шу мақсадда биз янги маданият ва истироҳат паркни барпо этамиз, шаҳар атрофини ва ичини кўкаламзорлаштирамиз. Комсомол кўли ва стадион қурамыз, канал ёқасини ҳузири қилиб ҳордиқ чиқарадиган жойга айлантирамиз, ҳар бир катта ҳовлида албатта гулзор ва болалар майдончаси бўлишига, кўча ва майдончаларининг ҳаммаси озода бўлишига эришамиз.

Шаҳарда тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, тарбиявий ишларни ҳар томонлама кучайтириш олдимизда турган энг асосий вазифадир. Коммунистик шаҳар аҳолиси ёшасига билимли ва маданиятли бўлмоғи лозим. Шунинг назарда тутиб, биз ўз олдимизга ҳаммани доимий ўқийшга жалб этиш вазифасини қўйдик. Даставвал мактаб ёшидаги болалардан ташқари камда 16 минг кишини турли хил доимий ўқийшга жалб этмоқчимиз. Бундан бундан кўп йиллик стажга эга бўлган ишлаб чиқариш командирлари учун жамоат олий таълим факультетлари, уй-руҳгор ишлари билан шуғулланадиган аёллар учун факультетлар ташкил этилади. Фан, маданият ва сибастининг асосий масалалари юзасидан мунтазам равишда оммавий лекциялар ўқилади. Шаҳар Техника совети ва Техника уйи ташкил этилади.

Булариинг ҳаммаси кенг жамоатчиликнинг актив иштироки билан амалга оширилади. Шаҳар Совети ва унинг депутатлари бу курашда, албатта, алоҳида роль ўйнайдилар. Коммунистик меҳнат ва юксак маданият шаҳри учун бошланган мусобақага шаҳар партия комитети ва унинг ҳузурида тузилган коммунистик мусобақа штаби раҳбарлик қилади.

Биз республикада биринчи бўлиб катта ва масъулиятли, аммо олижаноб иш бошладик. Бу эъзу ниятни амалга ошириш қанчалик қийинлигини яхши биламиз. Аммо шахримизда бу қийинчиликларни мардонавор енга оладиган куч ва имконият бор, бунга сира шубҳа йўқ. Бошлаган ташаббусимизни охирига етказишимиз мумкин!

Гавҳар ҲАЙДАРОВА,

шаҳар ижроия комитетининг раиси, СССР Олий Советининг депутаты.

Булар шаҳарнинг фахри

Булар Чирчиқни коммунистик меҳнат шаҳрига айлантириш учун жонбозлик кўрсатаётганлардан: (чапдан) «Ўзбекхиммаш» заводининг тоқари Шамиль ГАТАУЛЛИН, электр кимё комбинати слесарлар бригадасининг бошлиғи, Ленин орденли Максим ПАШКУН, шу комбинат коммунистик меҳнат сменасининг аъзоси, аппаратчи Жамила ОДИНАЕВА, «Ўзбекхиммаш» заводи коммунистик бригадасининг бошлиғи, қувонч Сайд СЕНТАСАНОВ, электр кимё комбинатининг новатор ишчиси София АБЕЗГИЛДИНА, шу комбинатининг илгор слесари Ўзбек ТИЛЛАЕВ ва смена мастери Усмои ДАЛАБОВ ўртоқлар.

А. Абалин фотолари.



ҲАММА ҲҲҲҲҲ



Ҳозир илмсиз ҳеч қарерга бориб бўлмайди. Кимки ўсман, улғайман деса ўқийди, тинмай билимини ошира боради.

Мана шунинг учун ҳам яқин йиллар ичида шаҳар аҳолисини ёшасига доимий ўқийшга жалб этиш вазифаси қўйилди. Ҳозир шаҳар аҳолисини ҳар икки кишининг бири ўқимоқда. Бу курашда кимёгарлар олдига бормоқдалар. Комбинатнинг деярлик ҳамма ишчи ва хизматчилари ўқийди. Айниқса кечки политехника институтида ўқийш хохловчилар жуда кўп.

Институтда ўзбек ва рус тилида ўқийдиган студентларнинг пухта билим олишлари учун ҳамма шарт-шароит яратиб берилган.

Суратда: институтнинг физика ўқитувчиси Убайдулла Нуъмонов механика факультети 2-курс студентлари билан машғул ўтказмоқда.

Сарқитларга ҳужум



Суратда: кимёгарлар дружиначиларининг командирлари Илхон ЮСУПОВ ва Иосиф БЛЮМЕНТАЛЬ ўзаро суҳбатлашмоқдалар.

Онда-сонда бўлса ҳам учраб турадиган олиб-сонлар, ички-либозлар, безорилар, сатанлар ва шу сингари элементлар қиёсий бегга чиққан ярадек шахримиз ҳуснига доғ солиб турибди.

Биз ўз шахримизни коммунистик меҳнат ва юксак маданият шаҳрига айлантиришнинг олдимизга асосий вазифа қилиб қўйган эканмиз, унинг урдасидан чиқиб кетган юқоридаги сингари зарарли элементларга қарши кенг кўламда шифатсиз ҳужум бошлашимиз, уларнинг ёлга келадиганларини усталик билан, чидам ва сабот билан тарбияламоғимиз лозим.

Шаҳар партия ва комсомол комитетлари дружиначи лар ишини қайта қуришга қарор қилдилар. Энди бизда шаҳар дружиначилар штаби бекор қилиниди ва унинг ўрнида кунига 5 кишидан иборат шаҳар бўйича навбатчи дружина бошчиликларини ишлайди. Шаҳар микро районларга бўлинади. Ҳар бир микро район ўз итбаига эга бўлади. Штаб микро районини участкаларга бўлиб, у ерларга дружиначиларини тақсимлайди. Дружиначилар эса миллион хизматлари билан мустаҳкам алоқада иш олиб борадилар.

Шаҳар бўйича навбатчилар мана шу участкалар ва микро районларда дружиначиларга оператив раҳбарлик қиладилар, уларнинг иши устидан контроллик олиб борадилар.

Р. ШАРИПОВ, шаҳар комсомол комитетининг секретари.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“

3-БЕТ, 10 СЕНТЯБРЬ, 1960 ИЙЛ.

